

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиши тўғрисида)

2025 йил ноябрь ойининг 5 куни, жиноят ишлари бўйича Пскент туман суди очик сайёр суд мажлисида бўлиб, Пскент тумани, Митан м.ф.й. биносида, раислик қилувчи судья М.Базаров, суд мажлиси баённомасини юритувчи судья ёрдамчиси Ф.Бахадиров, тарафлардан давлат айбловчиси Пскент туман прокурорининг ёрдамчиси К.Касимов, судланувчи А.Т.Э ва унинг ҳимоячиси [REDACTED] адвокатлик бюроси адвокати Д.Х, жабрланувчилар Х.И.А ва М.Хасановларнинг иштирокида,

А.Т.Э, 11.12.1979 йилда Андижон вилояти Олтинкўл туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, якка тартибдаги тадбиркор, муқаддам судланмаган, Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Қўштепа м.ф.й.да яшайди, иш бўйича муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 7 октябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчига оид 1-1113-2501/221-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, кўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

А.Т.Э, 2025 йил 11 июль куни, соат 06⁰⁰да Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Топтиқ м.ф.й.да яшовчи 30.05.1985 йилда туғилган Х.Ш.Нга тегишли бўлган ва унинг бошқарувидаги давлат рақами [REDACTED] бўлган “DAMAS-2” русумли автомашинада Пскент тумани, Дўнгкўрғон МФЙ худудидан ўтувчи А-373 “Гулистон-Бўка-Охангарон-Ангрен-Қўқон-Андижон орқали Ўш” халқаро ахамиятдаги автомобил йўлининг 94-километрида Охангарон автомобиль йўналишидан Гулистон йўналиши томон ҳаракатланиб келиб, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди ва 12-банди 1-қисми талабига кўра яни қоидаларнинг 4-бандида “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак”лиги ва 12-бандининг 1-қисм талабларига кўра “хайдовчига транспорт воситасини мастлик ҳолатида (алкоголь, гиёҳванд моддалар истеъмол қилган ва бошқалар) сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариш тақиқланган” деб қайд этилган қоидаларни кўпол равишда бузиб, ушбу қоидаларга зид равишда ухлаб қолиб, рул бошқарувини йўқотиши натижасида, автомобиль йўлининг ўнг томонидаги марза қисмида бўлган бетон тўсиқ (бардюор)га урилиб, йўл-транспорт ходисаси содир қилган.

Натижада “DAMAS-2” русумли автомашина йўловчиси Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Қўштепа м.ф.й.да яшовчи 10.03.1980 йилда



туғилган Х.И.А олган тан-жароҳатлари билан туман тиббиёт бирлашмасининг жонлантириш бўлимига ётқизилган.

Судга оид транспорт-изшунослик ва йўл транспорт ходисаси механизми экспертизасининг 14.08.2025 йилдаги 391-392-сонли хулосаларига кўра, кўздан кечириш вақтида “DAMAS-2” русумли, давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган транспорт воситасининг юриш қисми ва ишчи тормоз тизими техник жиҳатдан ишга яроқли лекин рул бошқаруви ишга яроқсиз ҳолатдалиги, қарорда келтирилган мазкур йўл транспорт ходисаси шароитида “DAMAS-2” русумли, давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган транспорт воситаси ҳайдовчиси Қоидалар талабларни бажариш учун, “DAMAS-2” русумли, давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган транспорт воситасида ҳаракатланиш жараёнида, “DAMAS-2” русумли, давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган транспорт воситасини йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлик ҳолатида бошқармасдан, сергак ҳолатда бошқариш ва бошқа ҳаракат катнашчиларининг ҳаракатланишлари учун хавф туғдирмаган ҳолда ҳаракатланиш орқали мазкур йўл транспорт ходисасини олдини олиб қолиш имкониятига эга бўлганлигини, қарорда келтирилган мазкур ЙТХ шароитида “DAMAS-2” русумли, давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган транспорт воситаси ҳайдовчиси амалдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 12-банди 1-қисми талабларига қатъий амал қилиш йўли орқали мазкур йўл транспорт ходисасини олдини олиб қолиш учун имкониятга эга бўлганлигини, қарорда келтирилган мазкур вазият ўтказилган тадқиқотлар ҳажмидан кўриб чиқилса, “DAMAS-2” русумли, давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган транспорт воситаси ҳайдовчисининг ҳаракатлари амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди ҳамда 12-банди 1-қисми талабларига зид бўлганлиги аниқланган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 22.08.2025 йилдаги 6602-сонли хулосасига кўра, Х.И.Ада “калла мия ёпиқ шикасти: бош мия чайқалиши, ўнг елка ўрта учлигидан ёпиқ синиб силжиши, ўнг сон суяги пастки учлигидан очиқ синиб силжиши, чап болдир ташқи тўпиғининг ёпиқ синиб силжиши, ўнг сон соҳаси йиртилган жароҳати, кўкрак қафаси олди юзаси ва бел соҳалари юмшоқ тўқтималарининг лат ейиши” аниқланганлигини, ушбу тан-жароҳатлар маълум юза хусусиятига эга бўлган ўтмас қаттиқ жисмлар таъсири натижасида, шу жумладан йўл транспорт ходисаси вақтида автомашинани салони ички бўртиб турган қисмларидан етказилганлигини, жароҳатларни қобиғини кўчиб тушганлик даражасига кўра улар экспертиза ўтказилган кунидан 37 кун олдин ҳосил бўлган бўлиши, шу жумладан қарорда, тиббий баёнда ва экспертизадан ўтувчи шахс кўрсатган вақтга ҳам тўғри келиши мумкинлигини, мазкур жароҳатлар реал оқибати ва тиббий ёрдам кўрсатилгани (ёки кўрсатилмагани)дан катъий назар умумий меҳнат қобилятининг салмоқли қисмининг, яъни учдан биридан кўпроғини турғун йўқотилиши мезонига кўра оғир тан жароҳатлар даражасига киришлиги белгиланган.



Судга оид тиббий экспертизасининг 25.08.2025 йилдаги 6601-сонли хулосасига кўра, М.Хда “бурун суягини очиқ синиб силжиши, бурун, ўнг юз, пастки лаб, ўнг ёнок, ўнг қўл 3-бармоқ ва чап қўл 4-бармоқ сохаларида кўплаб йиртилган, чокланган яралар, ўнг болдир сохасида шилинма, иккала кўз юмшоқ тўқималари лат ейиши, иккала кўз олмасини енгил даражали лат ейиши” аниқланганлигини, ушбу тан жароҳатлар маълум юза хусусиятига эга бўлган ўтмас каттиқ жисмлар таъсири натижасида, шу жумладан йўл транспорт ходисаси вақтида автомашинани салони ички бўртиб турган қисмларидан етказилганлигини, жароҳатларни қобиғини кўчиб тушганлик даражасига кўра улар экспертиза ўтказилган кунидан 37 кун олдин ҳосил бўлган бўлиши, шу жумладан қарорда, тиббий баёнда ва экспертизадан ўтувчи шахс кўрсатган вақтга ҳам тўғри келиши мумкинлигини, мазкур жароҳатлар соғлиқни қисқа бўлган муддатга бузилиши мезонига кўра “соғлиқнинг бузилишига олиб келган енгил” тан жароҳатлар даражасига киришлиги белгиланган.

Пскент туман прокурорининг 2025 йил 7 октябрь куни тасдиқлаган айблов далолатномасига кўра, судланувчи А.Т.Эга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши айблов далолатномаси билан айблилик масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Судланувчи А.Т.Э суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчиларга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда улар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Х.М.А суд мажлисида, судланувчи А.Т.Эга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, А.Т.Э унга ва укаси Х.И.Ага етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, аризаларни ўз хоҳишлари билан ёзишганлиги, уларга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини баён қилиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг ярашув ҳақидаги аризаларини муҳокама қилиб, тарафларнинг аризани қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, жиноят ишини ярашилганлиги муносабати билан тугатишни лозим деб ҳисоблайди.

Жиноят кодексининг 66¹-моддаси 1-қисмида, ушбу Кодекснинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган



зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги, ушбу модданинг 2-қисмида эса, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисмига кўра, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли қарорининг 1-бандида, ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлиши, 2-бандида, ярашув тўғрисидаги ариза ҳар доим ёзма шаклда тақдим этилиб, унда жиноят натижасида етказилган зарар бартараф этилганлиги (ёки жабрланувчининг зарардан воз кечганлиги) ва ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимос кўрсатилган бўлиши лозимлиги, ярашув тўғрисида иш юритиш масаласини кўзғатиш ҳуқуқига қонунда белгиланган тартибда жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) деб топилган шахс ёки унинг қонуний вакили эга эканлиги, 3-бандида, ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида, яъни шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган пайтдан бошлаб, суд мажлисида эса жиноят ишини кўриб чиқаётган биринчи инстанция суди маслаҳатхона (алоҳида хона)га киргунга қадар берилиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, қайд этиб ўтилган қонун талабларига ҳамда Пленум қарори билан бирилган тушунтиришларга риоя қилиб, судланувчи А.Т.Энинг муқаддам судланмаганини, ўз айбига иқрорлик билдиргани, жабрланувчилар билан ихтиёрий равишда ярашгани, содир этган қилмишнинг оқибатларини англаб, етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ бартараф этгани, жабрланувчиларга ёки судланувчига тазйиқ бўлганлиги ҳолати аниқланмагани ҳамда судланувчи ҳам, жабрланувчилар ҳам ярашувга розилик билдирганликларини инобатга олиб, жиноят ишини судланувчининг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни ҳамда уни жавобгарликдан озод қилишни ҳамда жабрланувчиларга ЖПК 583-моддасининг 6-қисмига асосан ушбу жиноят иши ярашувга асосан тугатилганидан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишларини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ҳамда ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 423, 583, 585-586-қисмларига амал қилиб, суд;



А Ж Р И М Қ И Л Д И :

А.Т.Э, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилинсин ҳамда унга нисбатан Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач судланувчи А.Т.Эга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчиларга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга кирганидан кейин кассация тартибида, хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

М.М.Базаров

